



УДК: 631.6+628.3.

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ БИОЦЕНОЗИДА УЧРАЙДИГАН АСОСИЙ ИККИҚАНОТЛИЛАР ГУРУҲИ ВАКИЛЛАРИГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Шамуратов Қуралбай Турдибаевич, Утемуратов Хожабай Худайбергенович,
Жумамуратова Дилбар Женисбаевна

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

E-mail: kkniiiz@bk.ru

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17537842>

Аннотация: Мазкур мақолада полиз экинлари биоценозида учрайдиган асосий иккиқанотлилар (*Diptera*) гуруҳига мансуб зарарли турларга қарши турли кимёвий препаратларнинг биологик фойдалилиги ўрганилди. Тадқиқотлар Қорақалпоғистон Республикаси шароитида амалга оширилиб, полиз экинларининг ўсиш даврида иккиқанотлилар популяцияси таркиби, зичлиги ва уларнинг зарар етказиши даражаси таҳлил қилинди. Синовда қўлланилган инсектицидларнинг самарадорлиги, таъсир доираси ва биологик фойдалилик кўрсаткичлари аниқланди.

Калим сўзлар: полиз экинлари, иккиқанотлилар (*Diptera*), биоценоз, инсектицидлар, биологик фойдалилик, зараркунандаларга қарши кураш.

Abstract: This article studies the biological effectiveness of various chemical preparations against harmful species belonging to the main group of Dipteral (*Diptera*) found in the biogenesis of melon crops. The research was carried out in the conditions of the Republic of Karakalpakstan, and the composition, density and degree of damage of dipteran populations during the growth period of melon crops were analyzed. The effectiveness, range of action and biological effectiveness indicators of the insecticides used in the test were determined. According to the results, it was found that some modern chemical preparations significantly reduced the number of pests and had a relatively stable ecological effect.

Key words: melons, dipteran, biogenesis, insecticides, biological value, pest control.

Кириш. Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва умуман мамлакатимизда полиз экинлари етиштириш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида полиз майдонларидаги зараркунандалар биоценозини чуқур ўрганиш ҳамда уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Полиз экинларининг барқарор ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини таъминлашда иккиқанотлилар (*Diptera*) гуруҳига мансуб айрим зараркунандаларнинг таъсири катта аҳамиятга эга. Улар экинларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилдорликни сезиларли даражада камайтиради.

Шу муносабат билан, полиз экинлари биоценозида учрайдиган асосий иккиқанотли турларни аниқлаш, уларнинг биологиясини ўрганиш ва кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлигини баҳолаш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб вазифа ҳисобланади.



Қорақалпоғистон Республикаси шароитида полиз экинлари майдони 6000 минг гектарни ташкил этади. Фермер ва деҳқонларимиз полиз экинларидан қовун, тарвуз ва қовоқнинг турли навларини экиб, вақтида тўғри ташкил этилган парвариш ишлари натижасида юқори ҳосил олишга эришмоқда. Худудимизда баҳор эрта келган йиллари ҳар хил турдаги жонзотларда уйғониб ривожланиш даврини ўсимликлар ҳам ўтади.

Олиб борилган тадқиқотлар: Тажрибаларимизда қовун уруғлари май ойининг дастлабки ўн кунлигида экилди, кузатишлар олиб борилди. Натижада полиз экинлари биоценозида ривожланаётган иккиқанотлиларнинг турлари ўрганиб чиқилди. Олинган маълумотларга кўра полиз экинлари майдонларида тарқалган икки қанотлилар гуруҳи вакилларидан 10 тури кузатилди. Бунда ғовак ҳосил қилувчи чивин - *Liriomyza bryoniae* (Kaltenbach) ўртача даражада учрайди, зарар келтириши ўртача даражада. Чунки бу зараркунанда ўсимликнинг барг пластинкаларида куртлари ривожланиб, фотосинтез жараёнини бузади. Натижада баргнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Швед пашшаси - *Oscinella frit* Л. Учраши кам даражада, зарар келтириши аниқланмади. Қовун пашшаси - *Myiopardalis perdelin* Виг. учраши ва зарар етказиши юқори даражада, қарши кураш чоралари ташкил этилмаган далаларда. Карам пашшаси- *Delia floralis* учраш даражаси кам, полиз экинларига зарари йўқ. Кафтқанот чивин - *Rhagoletis* турига мансуб вакиллари дастлабки кунлари май-июнь ойларида полиз экинлари далаларида оз сонда, учради, зарарлилик даражаси сезилмади. Қора чивин ёки уй чивини тури - *Musca domestica* вегетация даврида тўлиқ ривожланаётганлиги кузатилди. Зарарлилик даражаси асосан чириган қовунларда ривожланади. Ўткир чивин - *Culex pipiens* тури буларнинг урғочиси асосан инсон, ҳайвонларнинг қонини сўриб, эркаклари ўсимлик ширалари билан озиқланиб ҳаёт кечиради. Бу ҳашарот август, сентябрь ойларида полиз экинлари далаларида сони максимал даражага етади. Сирфид пашшаси- *Scaeva pyrastris* Л., Тахина пашшаси- *Clytiomyia helluo* F., *Gallic afidimiza*- *Aphidoletes aphidimyza* Rand. entomofag икки қанотлилар вакиллари полиз экинлари майдонларида кам сонда учради. Бу ҳашаротларнинг полиз экинлари вегетатив ва генератив органларига зарарлилик даражаси йўқ.

**Қовун пашшасига қарши кимёвий препаратларнинг биологик
фойдалилиги**

т/р	препарат турлари	Препаратн и сарф нормаси,	100 ўсимликдаги, ишлашгача	Биологик фойдалилиги, %				
				1.	3.	7.	14.	21.



**“OROL BO‘YI SHAROITIDA QISHLOQ XO‘JALIK EKINLARI
SELEKSIYASI, URUG‘CHILIGI VA AGROTEKNOLOGIYALARIDA
DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman**



		л/га.	бўлган вояга етганларининг сони					
1.	Детсис, 2,5% к.э.	0,7	4,6.	78,4	84,6	95,3	96,2	97,5
2.	Амрел 600.	0,7	4,3.	79,8	85,3	95,4	96,1	97,3
3.	Карате, 5% эм.к.	1,0;	4,3.	72,1	79,3	85,4	89,1	91,1
4.	Фуфанон 57% эм.к.	0,7	4,9.	71,2	74,5.	79,5	81,2	81,1
5.	Назорат варианти		4,9.	-	-	-	-	-

Зараркунандага қарши кимёвий препаратлар қўллаб, юқори биологик самарадорлик аниқланди. Кимёвий препаратлар қўлланилишидан олдин 100 та ўсимликдаги зараркунанда сони аниқланиб, зарарлилик даражаси юқори бўлиб кетиш хавфи бўлгани сабабли белгиланган муддатда ва меъёрда ишлатилди.

ХУЛОСА. Тадқиқот натижалари полиз экинлари биоценозида учрайдиган асосий иккиқанотлилар гуруҳи зараркунандаларининг тур таркиби, ривожланиш биологияси ва уларга қарши қўлланилган кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлигини очиб берди. Таҷрибалар асосида аниқланишича, иккиқанотлилар гуруҳига мансуб зараркунандаларнинг фаоллиги экинларнинг ўсиш фазасига, ҳаво ҳароратига ва агротехника тадбирларининг сифатли бажарилишига боғлиқдир.

Қўлланилган инсектицидлар орасида айрим замонавий кимёвий воситалар (*имидоклоприд*, *лямбда-цигалотрин*, *альфа-циперметрин* ва бошқалар) юқори биологик самарадорлик кўрсатиб, зараркунандалар сонини 85–95% гача камайтирди. Шу билан бирга, уларнинг таъсир доираси узоқ бўлиб, қайта ишлов бериш эҳтиёжини қисқартирди.

Шу билан бирга, тадқиқот натижалари кимёвий воситаларни қўллашда биологик мувозанатни сақлаш муҳимлигини кўрсатди. Инсектицидларнинг фойдали энтомофагларга нисбатан таъсирини ҳисобга олган ҳолда, интеграл ҳимоя тизимида уларни биологик усуллар билан уйғунлаштириб қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тўрениязов.Э.Ш. Қовун пашшаси ривожланиш биоэкологияси унга қарши кураш олиб бориш бўйича тавсиялар. -Тошкент, 2016. -4-13 б.
2. Рашидов М.И., Қўшқоров Ж., Эшонов Қ.П. Қовун пашшасига қарши илмий асосланган кураш чоралари. - Хоразм, 2017. -3 б.
3. Қидирбоева А. "Қовун пашшаси зарарининг ҳосил миқдори ва сифатига таъсирини ўрганиш" //Битирув малакавий иши, 2015. -61 б.



**“OROL BO‘YI SHAROITIDA QISHLOQ XO‘JALIK EKINLARI
SELEKSIYASI, URUG‘CHILIGI VA AGROTEKNOLOGIYALARIDA
DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI”**



mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

4. Толихов Д.А. Тоҷикистонда қовун етиштириш хусусиятлари, суғориладиган шароитларда ҳосилдорлик ва мева сифати: Қишлоқ хўжалиги фанлари номз. дисс. автореф. - Душанбе, 2016. - С. 3 - 16.
5. Тўрениязов Э.Ш., Тўхтабоев Р.З., Певилинг Р., Хабибуллаев Б. Қовун пашшасининг ривожланиши, биоэкологияси, унга қарши кураш олиб бориш бўйича тавсиялар. - Нукус, 2015. -32 б.
6. Тўрениязов Э.Ш., Юсупов Р., Эшмуратов Э. Полиз маҳсулотлари сифатини яхшилаш, қайта ишлаш усуллари ютуқлари // Қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асослари. Илм. амал. конф. Мат. - Нукус, 2015. -5 б.